O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 1-IYUL ■ PAYSHANBA ■ 79 (27.254) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

**Иқтидорли ёшлар — миллат ғурури, мамлакат таянчи**

## ЎЗБЕК ЙИГИТИНИНГ КОМПЬЮТЕР ИШЛАНМАСИ




Суратда кўриб турганингиз ЎзМУ компьютер технологиялари факультети талабаси Акмал Пайзиев бўлади. У Counter strike компьютер ўйинлари дастуридан интерфаол таълимда фойдаланиш бўйича изланиш олиб бормоқда.

Ўтган йил ёзда Австриянинг Зальцбург шаҳрида АҚШнинг компьютер дастурлари ишлаб чиқарадиган Microsoft компанияси компьютер ўйинлари технологиялари бўйича ўтказган халқаро анжуманда дунёнинг етакчи олимлари ҳам шу мавзуда фикрлашган эди. У интернет тармоғи орқали бундан хабардор бўлгач, ташкилий қўмитага изланишлари ҳақида ёзиб юборганди. Ғоя маъқул келиб, уни халқаро анжуман ва кўргазмага таклиф этишди.

Маълумки, жаҳонда замонавий технологияларга қизиқиш ва эҳтиёж тобора ортмоқда. Айниқса, компьютерда ўйналадиган турли ўйинлар оммалашиб бораётгани бор гап. Аммо, уларнинг аксарияти жангари ўйинлардан иборатлиги ачинарли. Зўравонликни тарғиб этувчи бундай машғулотлар болаларнинг тарбиясига салбий таъсир этиши табиий.

Унинг ғояси мазмун-моҳиятига кўра, жангари ўйинлар дастуридан мутлақо фарқланади.

— Дастур учун янги — ўқитувчи ва ўқувчилар моделини ишлаб чиқдим, — дейди Акмал. — Жанг майдонлари ўрнига юртимиздаги тарихий ёдгорликлар, сўлим табиат манзаралари, музейлар тасвири туширилади. Бу ўзига хос виртуал саҳифа вазифасини ҳам ўтайди.

Ўқувчилар ўқитувчи ҳамроҳлигида компьютер орқали бетакрор гўшаларга саёҳат қилади, улар ҳақида тасаввурга эга бўлади. Бу усул юртимизда туризмни ривожлантиришга ҳам хизмат қилади. Чунки, ҳозиргача интернет тармоғида юртимиздаги тарихий обидаларнинг ўзига хос қиёфаси ҳақида тасаввур уйғотувчи виртуал саҳифа жуда кам. Шунингдек, бу технология масофавий таълимни ривожлантиришда ҳам қўлланиши мумкин.

Ёш ўзбек тадқиқотчисининг ишланмалари хорижий компанияларда жуда катта қизиқиш уйғотди.

Дарвоқе, май ойида Акмал Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ва LG Electronics компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Йилнинг энг яхши ғояси» лойиҳаси ғолиби бўлди. Танловга дастурий таъминот тизимидан самарали фойдаланиш, табиий ресурсларни тежаш, энергия сарфини қисқартириш, атроф-муҳит муҳофазаси сингари йўналишлар бўйича истеъдодли ёшлардан қарийб юзга яқин ижодий иш келганди. Бироқ бош соврин — LG Electronics компаниясининг замонавий компьютери ва Жанубий Кореяга сафар йўлланмаси Акмалга насиб этди.

✧✧✧

**Сарвар ЎРМОНОВ**
**(ЎзА) олган сурат**

**2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун**

## ҒУРУРИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 5-МОДДАСИГА БИНОАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН БИЛАН ТАСДИҚЛАНАДИГАН ЎЗ ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ — БАЙРОҒИ, ГЕРБИ ВА МАДҲИЯСИГА ЭГА. МУСТАҚИЛ ЎЗБЕК ДАВЛАТИ РАМЗЛАРИДАН БИРИ — ГЕРБИМИЗ ТАСДИҚЛАНГАНИГА 12 ЙИЛ ТЎЛДИ



Ўзбек халқи узоқ асрлик давлатчилик тарихига эга. Миллат қонида оқаётган боқий маърифат эса асрлар давомида эл шаъни, мамлакат қудратини ифода этувчи туйғулар, тамойилларни халқ қалбига сингдириб келди. Бу маърифат замирида давлатни «қут», яъни Бахт ва Саодат манбаи деб билиш турар эди.

Ватан кўксидаги бу мозий ҳақиқатлар истиқлол даврига келиб қайтадан тикланди. Бунинг ёрқин ифодаси сифатида давлатимиз гербида ўз аксини топган миллий қадриятларимиз тасвирини келтириш мумкин.

**Тоғлар, дарёлар ва сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочмоқда. Гербнинг юқори қисмида республика ҳурлигининг рамзи сифатида саккиз бурчак бўлиб, унинг ички қисмида ярим ой ва юлдуз, марказида эса бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган.**

Демак, маълум бўладики, гербимизда қадим ўзбек давлатчилигининг шонли йўли ўз ифодасини топган.

Гербимиздаги тоғлар, дарёлар, буғдой бошоқлари ва чаноқлари очилган ғўза, гуллаган водий аввало она-табиат, тириклик тимсолларидир. Водий узра заррин нурларини сочаётган она Қуёш ҳам миллатнинг ёруғ йўли, мунаввар эртаси ифодасидир. Президентимиз Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида таъкидлаб ўтганидек, **«халқимиз бутун тарихи давомида ўзини она-табиатнинг узвий қисми деб билган. Аждодларимизнинг табиат ва ундан оқилона фойдаланиш борасидаги одоб-ахлоқ қоидалари ер, ҳаво, сув ва олов (қуёш)ни муқаддас билиш маданиятида ўз аксини топган».** Ҳақиқатан ҳам, узоқ тарихга эга бу миллий қадриятнинг давлатимиз гербида акс этганлиги кишида ғурур ҳиссини уйғотади.

Шунингдек, гербимиздаги саккиз бурчак, унинг ички қисмидаги ярим ой ва юлдуз ҳурлигимиз рамзи сифатида тасвирланган. Чиндан ҳам ўзбеклар тарихан эрксевар, озодликка интилувчан халқлардан биридир. Шу маънода саккиз бурчак белгиси томонларни (олд, орқа, ўнг, сўл, баланд, паст, кенг, тор), ой оламни, юлдуз ёруғлик ва эзгуликни билдириши билан Коинотни ифодалайди. Зеро, халқимизнинг бой тафаккури, шуури коинот сингари чексиз ва кенгдир. Қолаверса, дунё фани тарихида биринчи бўлиб осмон сирларини кашф этган ҳам бобомиз Мирзо Улуғбекдир.

Герб марказида тасвирланган Ҳумо қуши Бахт, Эрк, Иқбол рамзидир. Таъкидлаб ўтилганидек, халқимиз «бахт» деганда давлатни, «эрк» деганда фаровон ҳаётни тушунади. Демак, Ҳумо қуши фаровон ҳаёт ифодасидир. Унга кўра, одам давлатсиз бахтга эриша олмайди, бахтни топмасдан эрк, иқболга эришиш мушкул. Ҳатто оналаримиз айтаётган аллаларда ҳам «давлатим болам» иборасининг ишлатилиши бежиз эмас. Шунингдек, Ҳумо қушининг қанотларини ёзиб турганлигида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарида қайд этилишича, Ҳумо қушининг пари тушган юрт бахтли, саодатли бўлар экан. Шу маънода халқимизнинг бахтга интилишлари замирида ўзга халқларни ҳам бахтли кўриш истаги бор.

Шундай қилиб, гербимизнинг умумий фонида тасвирланган табиат ва коинот бахтли ҳаётни ифодалаган. Бу ўзбек давлатчилиги тарихининг, маданиятининг моҳияти дегани. Унга кўра, инсон табиат фарзанди, у коинотнинг ҳудудсиз бағрида бахтга интилиб ҳаёт кечиради. Бундай бахтни эса мустаҳкам ва фаровон давлат бера олади.

Тарихдан ҳам маълумки, халқимиз давлатга оид ҳар бир рамзни фахр ва ғурур билан қабул қилиб келган, унга илоҳий куч сифатида сажда қилган. Давлат гербини миллий ғуруримиз рамзи сифатида қабул қилинишининг сабаблари ҳам ана шундадир. Герб — асрлар давомида сайқалланиб келган миллий давлатчилигимизнинг тимсоли. Зотан биз дунёга давлатчилик тафаккурини берганлардан бири сифатида гербни ҳам биринчилардан бўлиб тақдим қилган халқмиз. Хитой солномалари, Фазилуллоҳ Рашидиддиннинг «Жомеъ ут-таворих», Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи», Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк», шунингдек, «Ўғузнома» асарларида келтирилишича, миллий давлатчилигимиз дарғаларидан бири Ўғузхон даврида (эр.ав. IX аср) дунёда биринчилардан бўлиб давлат рамзи сифатида «тамға» (яъни, герб) таъсис этилган. Фазилуллоҳ Рашидиддиннинг ёзишича, унинг тамғасида ҳам денгиз, кун, (қуёш), тоғ (ер) ва юлдуз бор эди. Демак, гербни миллий ғурур сифатида қабул қилиш азалий қадриятларимиздан биридир.

Ўзбек халқининг ўзлигини дунёга намоён этувчи нарса — давлат рамзларидир. Гербимизнинг Конституция, байроқ ва мадҳиямиз қаторида эъзозланиши бежиз эмас. «Давлат герби тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга бўлиб, давлат гербининг моҳиятини ҳар бир ўзбекистонлик фуқаро англаб етиши учун замин бўлди. Ушбу қонун билан мамлакатимизда гербдан фойдаланиш тартибга солинди.

Халқимиз қалбида герб тимсолида мустақил Ўзбекистоннинг бахтли фуқароси эканлигидан ғурурланиш ҳисси кундан-кунга ошиб бормоқда. Чунки унда халқимизнинг орзу-умиди, идеаллари, мақсад-муддаоси, миллий ифтихори ўз ифодасини топган. Шу боисдан ҳам давлатимиз гербини миллий ғуруримиз белгиси сифатида севиш, эъзозлаш, қадр-қимматини бутун дунёга намоён этиш ҳар биримизнинг Ватан, халқ, миллат, келажак авлод олдидаги бурчимиз ҳисобланади.

**Ойниса МУСУРМОНОВА,**
**Олий Мажлиснинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, профессор**

**Халқ демократик партияси ҳаётидан**

## САЙЛОВ КАМПАНИЯСИДА ТАШВИҚОТ ВА РЕКЛАМА

Йил охирида бўлиб ўтадиган муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон парламенти ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органларига ўтказиладиган сайловлар мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлиши шубҳасиз. Бу сайловларнинг олдингиларидан ҳам мазмунан, ҳам шаклан фарқ қилиши, яъни унда давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидан номзодлар кўрсатилмаслиги, Қонунчилик палатасининг асосан кўппартиявийлик асосида шаклланиши сайловолди курашнинг кескин тус олишини башорат қилмоқда. Бундай вазиятда сиёсий партияларнинг тарғибот-ташвиқот ишлари алоҳида аҳамият касб этади. ХДП раҳбарияти шундан келиб чиқиб, партия ташкилотларининг сайловолди ишларини давр талаблари асосида ташкил қилиш масалаларига эътиборни кучайтираяпти.

Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида «Сайлов кампаниясида ташвиқот ва реклама» мавзусида махсус ўқув семинари ўтказилди. Унда партия фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Семинар-тренингни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов очиб, йиғилганларни Ўзбекистон ХДП томонидан олиб бориладиган ташвиқот ва реклама ишларининг умумий йўналишлари билан таништирди. Шундан сўнг Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг лойиҳа раҳбари, филология фанлари доктори, профессор Файзулла Мўминов «Сайлов кампаниясида ташвиқот ва реклама» мавзусида маъруза қилди.

Сир эмаски, сайлов жараёнларида сиёсий партиялар учун ташвиқот, реклама ҳамда шу соҳа мутахассислари сув ва ҳаводек зарур. Ўзбекистон ХДП ана шуни ҳисобга олиб, бу тадбирдан сайлов кампаниясида ташвиқот, рекламанинг замонавий, самарали усулларини қўллаш, партия фаоллари ва унга хайрихоҳ мутахассисларнинг бу борадаги фикрлари, тавсиялари билан танишишни кўзда тутган. Шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда катта куч ҳисобланган оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланишда одиллик, ҳалолликка риоя қилиш каби қатор масалалар муҳокамаси ҳам тадбир дастуридан ўрин олди.

Тадбир ниҳоясида иштирокчиларда муайян кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида сайлов мавзусига бағишланган турли амалий машғулотлар ўтказилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори Аъзамжон Раҳмонов сўзга чиқди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

**«ЎзДЭУавто» заводи, «Ўзташқинефтгаз» ҳиссадорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Деҳқонсавдо» ташқи савдо бирлашмаси, «Нуротамармар» ва «Тўхтаниёзота» хусусий корхоналари Business Initiative Directions халқаро компаниясининг платина ва олтин сифат белгилари билан тақдирланди.**

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАНИЯЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Нью-Йоркдаги ҳашаматли «Мариот Маркиз» меҳмонхонасида бўлиб ўтган «Сифат халқаро конвенцияси, Нью-Йорк — 2004» анжуманида Business Initiative Directions халқаро компанияси президенти Хосе Прието дунёнинг олтмишдан зиёд мамлакатидан ташриф буюрган турли компания ва фирма вакилларига, хусусан ўзбекистонлик ишбилармонларга сифат белгиси бўйича совринларни тантанали равишда топширди.

«Тўхтаниёзота» ва «Нуротамармар» хусусий корхоналари платина нишони, «ЎзДЭУавто» заводи, «Ўзташқинефтгаз» ҳиссадорлик компанияси ва «Деҳқонсавдо» ташқи савдо бирлашмаси эса олтин нишон билан тақдирланди. Мазкур компания ва корхоналарни тақдирлашда уларнинг яратувчилик салоҳияти, маҳсулот сифати, мижозларга хизмат кўрсатиш даражаси, ишлаб чиқариш жараёнининг атроф-муҳитга таъсир даражаси каби қатор омиллар эътиборга олинганини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистон маҳсулотларининг халқаро миқёсда эътироф этилаётгани ҳар томонлама эътиборга молик. Бундай анжуманлар Ўзбекистон ишбилармонлари билан хорижий ҳамкорлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар кўламини кенгайтириш, мамлакатимиз маҳсулотларининг дунё бозорига кириб бориши жараёнини янада жадаллаштириш учун муҳимдир.

Таъкидлаш керакки, бош офиси Испания пойтахти Мадридда жойлашган Business Initiative Directions халқаро компанияси 1970 йилдан буён дунёнинг турли мамлакатларида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва ўз маҳсулотлари билан халқаро стандартларга жавоб бераётган компания ва фирмаларни халқаро сифат белгиси совринлари билан тақдирлаб келади. Танлов қоидасига кўра, совринлар қуйидаги поғонада белгиланади: олмос нишон, платина нишон ва олтин нишон. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад муваффақиятли компанияларни халқаро миқёсда тарғиб этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришдир.

**Ф.АРЗИЕВ,**
**«Жаҳон» АА**
Нью-Йорк.

## МУЛОҲАЗАГА БОЙ МУЛОҚОТЛАР

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов Фарғона вилоятида бўлиб, партия фаоллари, аҳолининг турли табақалари вакиллари, ҳарбий хизматчилар билан учрашди. Партия раҳбари, шунингдек, ЎзХДП Фарғона шаҳар ташкилотининг III конференциясида иштирок этди.**

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши биносида партия шаҳар ва туман кенгашлари биринчи котиблари ва партия гуруҳлари раҳбарлари билан ўтган учрашув баъзи ҳоллардагидек бир томоннинг маърузаси, иккинчи томоннинг маъқуллаши тарзида ўтмади.

— Сиёсий партиялар ҳаётидаги ҳозирги жонланишни яна бир мавсумий кампания дея тушуниш хато ҳисобланади, — деди Аслиддин Рустамов. — Зеро, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз бераётган улкан ўзгаришлар ҳар бир партия, унинг ҳар бир аъзосидан доимий фаоллик, ташаббускорликни тақозо этмоқда. Президентимизнинг сиёсий партиялар фаолиятига оид билдирган фикр ва тавсиялари жамиятда партиялар ролини оширишда муҳим ўрин эгаллайди.

2-бет

**Иқтисод ва ислоҳот**

## МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — БАРҚАРОР ТАЯНЧИМИЗ

### «СЎМ»НИНГ МУОМАЛАГА КИРИТИЛГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ



**«Сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ва қадрини ошириш — умуммиллий вазифа. ...Ҳар биримизнинг, республикадаги ҳар бир кишининг, барча корхоналар аҳволининг яхшилиги миллий валютанинг муомаладаги барқарорлигига боғлиқ».**

**Ислом КАРИМОВ**

Миллий валюта ҳар қандай давлат иқтисодиётининг асосини ташкил қилади. Миллий валюта — миллий ифтихоримиз, давлат мустақиллигининг тимсоли. Уни ҳурмат қилиш — ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз.

Миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва унинг харид қобилиятини ошириш ҳамда инфляция даражасининг кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик эса иқтисодий сиёсатимизнинг асосий қирраси. Шу маънода бугун биз барчамиз учун қадрдон бўлиб қолган, фахру ифтихоримизга айланган миллий мустақиллик рамзи, миллий валютамиз — «СЎМ»нинг муомалага киритилганига 10 йил тўлди.

Мамлакатда 1994 йил июлида миллий валюта — «сўм» муомалага киритилгач, республика Марказий банки мустақил пул-кредит сиёсатини юритиш имконига эга бўлди. Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати биринчи навбатда, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш, инфляция даражасини пасайтириш ва иқтисодиётда тўлов интизомини кучайтиришга йўналтирилди. Бунда **«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги Қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларининг қабул қилиниши банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришда ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилди.

Ҳукумат ва Марказий банк сўмнинг муомалага киритилиши билан унинг барқарор бўлишига эришиш учун ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш, давлат харажатларини ва маъмурий бошқарувни сақлаб туришга сарфланадиган харажатларни кескин камайтириш, қаттиқ молиявий пул-кредит сиёсатини ўтказиш ҳамда нақд пул эмиссиясини қисқартириш учун қатъий чоралар кўришни асосий вазифа этиб белгилади. Мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан мамлакат банк тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилгани туфайли банк тизимини техник жиҳатдан таъминлашда улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон банк тизими МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб электрон тўлов тизимига ўтди.

3-бет

BANK XALQ BANKI
ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

«Ғалла — 2004»

# МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ:

**АНДИЖОН**

Бугун андижонлик ғаллакорларнинг юзлари ёруғ: давлат буюртмаси бўйича жорий йил шартномавий режаси ошириб бажарилди. Тайёрлов корхоналарига 226,6 минг тонна дон етказиб берилди. Ҳосилнинг 130 минг тоннаси сара уруғлик бўлиб, «Крошка», «Чиллаки», «Половчанка» навларига мансуб. Ҳосилдорлик вилоят бўйича гектар бошига режадаги 57 центнер ўрнига 61,4 центнерга етди.

Мавжуд 74136 гектар майдондаги ғаллазорларда жадал давом этаётган ўрим-йиғим ишларида изобосканликлар пешқадамликни қўлдан беришмаяпти. Улардан Олтинкўл, Асака, Андижон туманлари ғаллакорлари ҳам ибрат олишди. Шу кунларда ғалладан бўшаган майдонларни шудгорлаш ва уларга такрорий экинлар экиш тадбирлари ҳам бошлаб юборилди.

**НАВОИЙ**

Бошоқли дон экинларидан йил сайин юқори ҳосил кўтариб келаётган навоийлик ғаллакорлар ҳам давлатга дон сотиш шартномавий режасини бултургига нисбатан 15 кун олдин адо этишди. Эл хирмонига 68 минг 500 тонна сара дон тортиқ қилинди. Олиниши кутилаётган даромад 11 миллиард 371 миллион сўмлик кўрсаткични чўтламоқда. Бунинг 1 миллиард 377 миллион сўми соф фойда.

— Конимех, Қизилтепа, Кармана, Хатирчи, Навбаҳор туманлари ғаллазорларида ҳали ўрим техникаларининг наъраси тинганича йўқ, — **дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Акрам Алиқулов.** — 82 та турли русумли комбайнлар икки сменада юксак унум билан ишлаб турибди. Мақсадимиз — умумий хирмонни 137 минг тоннага етказиш ва бир йилда икки йилга етгулик дон захираси яратиш...

**ТОШКЕНТ**

Вилоятнинг бирйўла икки тумани — Қуйичирчиқ ҳамда Қибрай туманлари ғаллакорлари ҳам давлатга ғалла сотиш режаларини бажардилар. Қуйичирчиқликлар қабул пунктларига 24 минг 600 тоннадан зиёд сара дон етказиб берган бўлсалар, қибрайликлар 7300 тонналик хирмонни забт этишди.

— Ғаллакорларимиз бу йил 4600 гектарлик пайкалларда ҳосилдорликни гектар бошига ўртача 45 центнерга етказдилар, — дейди **Қибрай тумани ҳокими Саидхўжа Тошхўжаев.** —«Маданият», «Дўрмон», «Байтқўрғон», «Қибрай», «Истиқлол» сингари ширкат хўжаликлари мавсумда карвонбошилик қилишди. Даромадимиз баракасидан кўнглимиз тўқ. Биргина «Дўрмон» ширкат хўжалиги ғалланинг ўзидан ҳозирги тахминларга кўра 30 миллион сўмдан зиёд соф даромад олишни кўзлаб турибди. «Маданият» ширкат хўжалигида ҳосилдорлик ўртача 50 центнерни ташкил этди. Демак, даромади бундан-да кўпроқ бўлади. Байтқўрғонликлар ҳам маррага етишди. Хуллас, бу йил деҳқоннинг уйи дон кўрди, меҳнати самарасидан кўнгли тўқ.

**КАТТАҚЎРҒОН**

Самарқанд вилоятидаги бир қатор туманлар давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини бажаришди. Кеча улар сафига каттақўрғонлик миришкорлар ҳам қўшилдилар. Қабул пунктларига 16,179 тонна сара дон топширилди. Ҳосилдорлик 40-45 центнерга етказилди. Бунда тумандаги Марди Султонов, Э.Қурбонов, Пахтакор ширкат ҳамда «Олтибек», «Юлдуз» каби фермер хўжаликларининг муносиб ҳиссаси бор.

— Ҳали далаларимизда ҳосил мўл, режага қўшимча яна 1617 тонна ғалла топширишни мўлжаллаб турибмиз, — дейди туман ҳокими Пирмат Ўсаров.



*Шаҳрихон туманидаги академик Т.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги ижарачи ғаллакори Абдурасул Ҳалилов рафиқаси Махфузахон билан 10 гектар ерга «чиллаки» навли буғдой эккан эди. Миришкорлар гектарига 60 ц. ўрнига 74 ц.дан ҳосил олишиб, шартномавий режани ошиғи билан бажардилар.*

**Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат**

Давлатимиз гербига муносабат ҳақида мулоҳазалар

# АЗИЗ ВА МУҚАДДАС

> **Давлатимиз рамзлари — байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.**
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Давлат тушунчаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсоният ўзига хос давлат рамзларини ҳам жорий этиб келади. Қайсидир бир давлат ўзининг улуғлигини шер тасвирида, яна бири она бўри ёки айиқ, бургут ёхуд қуёш, ой ва ҳоказо тасвирларда ифодалаган. Масалан, қадимги Шумер давлати гербида шер бошли бургут тасвири, қадимги Рим давлат гербида бургут ёки қадимги туркий давлатлар рамзларида бўри, қадимги хитойликлар давлатида эса аждарҳо тасвири куч-қудрат рамзини ифодалаган.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатида бош рамз сифатида қуёш танланган. Чунки, Амир Темур тасаввурида Аллоҳ яратган энг улуғ мўъжиза қуёш эди. Соҳибқирон давлати тамғасида уч ҳалқа ўз ифодасини топган бўлиб, бу рамз уч иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳокимлигига ишора бўлган.

Демак, қадимдан то ҳозиргача ташкил топган ҳар бир давлат рамзлари ва тимсолларида ҳар доим ҳам буюклик ва улуғлик нисбатлари баланд тутиб келинган. Ундан ташқари, рамзларда ҳайвон ва жонзотларнинг, само жисмларининг тасвири танлангани биз табиатнинг бир бўлагимиз, деган маънони ҳам англатган.

Дунё харитасида мустақил Ўзбекистон давлати пайдо бўлган ўша қутлуғ 1991 йилдан бошлаб унинг ҳам ўзига хос давлат рамзлари қабул қилинди. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этгувчи давлат герби бундан 12 йил муқаддам — 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган эди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунда гербнинг Ўзбекистон Республикасининг қайси ташкилот ва муассасаларида доимий ўрнатилиши лозимлиги кўрсатилган. Хусусан, герб:

— Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси сессиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг сессиялари ўтказилаётган залларда, судларнинг суд мажлислари залларида, туғилиш ва никоҳ тантанали суратда рўйхатга олинадиган хоналарда;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ва унинг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси котибияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталарининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қарашли бошқа органларнинг, судларнинг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг, давлат нотариал идораларининг, Ўзбекистон Республикаси банк муассасалари ва ташкилотларининг, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида гербнинг тасвирини тушириш ҳуқуқи берилган республика ва маҳаллий бўйсунувдаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳрлари ва ҳужжат бланкаларида бўлиши кераклиги қайд этилган.

Шу жойда бир нарсани айтиб ўтиш керакки, давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни билмай туриб улардан фойдаланишни уддалаб бўлмайди. Баъзи бир маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари бинолари ва хоналарида, давлат рамзлари ўрнатилиши лозим бўлган жойларда рамзлардан нотўғри фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолатни айрим раҳбар ходимлар иш кабинетларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, давлат гербидаги рангли тасвирга ҳар доим ҳам амал қилинмайди. Қонуннинг аниқ бажарилишини кузатиш халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари зиммасига юклатилган (7-модда). Аммо айрим халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг бу борадаги фаолияти, тўғрисини айтганда, талабга жавоб бермайди. Давлат рамзлари тасвирини ўзгартириб чизаётган, тайёрлаётган ташкилотлар ҳам учраб туради.

Ватан қанчалик азиз ва муқаддас бўлса, давлат рамзлари ҳам шунчалик азиз ва муқаддас. Албатта, давлат рамзлари шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро учун ҳаётининг ажралмас бир қадриятига айланмоғи лозим. Бунинг учун эса ҳар бир фуқаро, авваламбор давлат рамзлари ўзи нима эканлигини ва ундан қандай фойдаланиш кераклигини билиши зарур.

Ривожланган мамлакатлар ҳаётида давлат рамзларига бўлган муносабат жуда юксак. АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Европа давлатлари фуқароларининг давлат рамзларига бўлган муносабати кишини ҳайратлантиради. Масалан, мамлакат фуқаролигига ўтиш шу мамлакат байроғи остида қасамёд қабул қилиш маросими билан амалга оширилади. Ёки мактаб ўқувчиларининг давлат рамзларига қасамёд кунлари бор.

Бизда ҳам шунга ўхшаш яхши анъаналар шаклланди. Масалан, мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ҳар душанба куни давлат байроғи кўтарилиб, давлат мадҳияси ижро этилади. Шу маънавий-маърифий тадбир орқали ўқувчи ёшлар қалбида она-Ватанга муҳаббат руҳи сингдириб борилмоқда.

Лекин ўқувчи ёшлар ўртасида олиб борилган «Давлатимиз байроғидаги 12 та юлдузнинг рамзий маъноси қандай?», «Давлат гербидаги саккиз қиррали юлдузнинг рамзий маъноси нима?» каби саволларга аксарият ҳолларда нотўғри жавоб берилиши ёки савол-жавобсиз қолиши ҳоллари кузатилади. Демак, мактаблар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида давлат рамзлари тўғрисидаги қонуннинг мазмун-моҳиятини ўрганишга йўналтирилган ишлар савиясини янада ошириш лозимга ўхшайди.

Давлат рамзлари тарғиботи — ўта долзарб масала. Бу ишда ҳамма ва ҳар бир фуқаро масъулдир. Давлат байроғи, давлат герби ва давлат мадҳияси худди она-Ватан каби азиз ва муқаддас. Бу тушунчалар инсоннинг қалбида, юрагида яшайди, улар инсон маънавиятининг ажралмас бир қисми ҳисобланади.

**Шамсиддин ЖУМАЕВ, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий тарғибот бўлими мудири**

Халқ демократик партияси ҳаётидан

# МУЛОҲАЗАГА БОЙ МУЛОҚОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Учрашув чоғида сиёсий партияларнинг ҳокимиятни шакллантиришдаги иштирокини фаоллаштириш ҳақида қатор мулоҳазалар билдирилди.

Мамлакатда шакллантирилаётган демократик жамият тараққиётини партиялар, хусусан энг кўп аъзоли Халқ демократик партиясининг иштирокисиз жадаллаштириш мушкуллиги, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳлари орқали ҳокимиятлар қабул қилаётган қарорлар ва уларнинг ижроси устидан назоратни кучайтириш, сайловларга ҳар тарафлама ва пухта тайёргарлик кўриш каби масалалар ЎзХДП Фарғона шаҳар ташкилоти III конференциясида ҳам бош мавзу бўлди.

— Ҳисобот даврида шаҳар партия ташкилоти жамоат ташкилотлари билан чамбарчас ҳамкорликда иш олиб борди, — деди ўз ҳисобот маърузасида шаҳар кенгашининг биринчи котиби О.Шарипова. — Натижада 5 йилда шаҳарда партия аъзолари сафи салкам мингтага кўпайди. Партия нашрларига обуна уюштиришда аҳвол яхшиланди. Халқ депутатлари шаҳар Кенгашида вакилларимиз сони ўсди.

Музокараларда шаҳар Кенгашидаги ХДП депутатлари гуруҳи фаолияти масаласи ҳам қизғин муҳокама қилинди.

— Шаҳар Кенгашидаги депутатлар гуруҳимиз ўтган сессиялар ишида анча фаол қатнашди, — дейди шаҳар Кенгаши депутати, Фарғона политехника институти проректори, техника фанлари доктори Рустам Тешабоев, — сессиялар жараёнида муҳокама этилган масалалар бўйича фикрлар, таклифлар билдирдик. Биргина мисол: Тўқимачилик комбинати яқинидаги ўйингоҳ анча хароб аҳволга тушиб қолган эди. Гуруҳимиз сессиялардан бирида ўйингоҳдаги шарт-шароитларни яхшилаш юзасидан амалий таклиф билан чиқди. Сессия қароридан сўнг, бу ерда катта ободонлаштириш ва қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

Бироқ, гуруҳнинг барча аъзоларида ташаббускорлик етарли, деб бўлмайди. Ҳолбуки, биз халқ депутатлари шаҳар Кенгашида катта куч ҳисобланамиз. Чунки, мавжуд 5 та доимий комиссиянинг 4 тасига ХДП аъзолари раҳбарлик қилади.

— Домла ҳақ гапни гапирдилар. Масалан, мен шу Кенгашдаги бюджет комиссиянинг раисиман. Комиссия таркибидаги 5 нафар депутатнинг 4 таси ХДП аъзоси. Албатта, депутат сифатида партиямизнинг халқ ва ҳокимиятни ўзаро бирбири билан боғлаш функциясини бажариш учун ҳаракат қиляпмиз. Масалан, жиноятчиликнинг, хусусан, аёллар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, бу иллатнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш, уни бартараф этишга маблағлар ажратишни кўпайтириш бўйича маълум ишлар амалга оширилди. Шуни айтиш керакки, партиямизга халқнинг ишончи баланд. Шаҳар партия конференцияси арафасида биз жамоамиздан 6 нафар ёшларни ХДП сафига қабул қилдик, — деди ўз сўзида Фарғона педагогика ва маиший хизмат коллежи директори Азиза Бекмуродова.

— Шаҳар Кенгашидаги депутатларнинг 17 нафарини ХДП аъзолари ташкил этади, — дейди Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси бўлим бошлиғи Абдумутал Мадиёров. — Шаҳар сессиясида қабул қилинган ҳар қандай қарор уларнинг розилигисиз бўлмайди. Бироқ, ўзбекчилик деймизми, андиша деймизми шаҳар ҳаётидаги баъзи муаммоларни ҳал этишда гуруҳ етарли даражада дадиллик кўрсатяпти, деб бўлмайди. Масалан, шаҳар буюм бозори уч-тўрт марта у ёқ-буёққа кўчди. Қиргули туманидаги чўмилиш ҳавзаси қамишзорга айланиб қолди. Муаммолар етарлича. Кенгашдаги гуруҳимиз партиямиз ғоялари, жамиятимиз манфаатларидан келиб чиқиб, бу борада янги ташаббуслар билан чиқиши зарур.

Делегатлар таклифига кўра Олияхон Шарипова Фарғона шаҳар ХДП кенгашининг биринчи котиби лавозимига қайта сайланди.

Конференцияда ЎзХДП раҳбари А.Рустамов, Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби Муҳаммадали Исоқов сўзга чиқди.

Фарғона шаҳридаги ҳарбий қисмнинг зобит ва аскарлари билан ўтказилган учрашув ҳам мазмунли, фикр-мулоҳазаларга бой, ҳаяжонли мулоқотга айланиб кетди. Учрашувга йиғилган 400 дан зиёд офицер ва аскарлар партиямиз ҳақида, унинг бугунги ишлари хусусида яхши маълумотга эга эканликларини намойиш этдилар.

— Касб-кор, хизмат вазифасидан қатъи назар, юртимизнинг ҳар бир фуқароси Ватан тақдирига масъулдир, — деди учрашувда ЎзХДП МК биринчи котиби А.Рустамов. — Бу, сиз мамлакат ҳимоячиларига айниқса тааллуқлидир. Зеро, юрт осмонининг мусаффолиги, мамлакат тинчлиги қалқони бўлиб турган жасур, ўтюрак, зийрак ҳарбийларимизга Ўзбекистонда юз бераётган ижтимоий-иқтисодий янгиликлар, ҳуқуқий, сиёсий, маданий тафаккуримиздаги ўзгаришлар ҳам буткул хосдир. Биз сизлар билан очиқ мулоқот, бугунги ҳаётимизнинг долзарб масалалари хусусида эркин суҳбат юритиш учун ҳузурингизга ташриф буюрдик.

— Ҳарбийлар учун энг биринчи галдаги вазифа Ватан ҳимоясидир, — деди капитан А.Камолов. — Шу билан бирга офицер ва аскар айни пайтда бир оила бошлиғи, ширин-шакар фарзандлар отаси ҳамдир. Демак, биз айни пайтда ўз оиламиз фаровонлиги, болаларимиз келажаги олдида ҳам масъулмиз. Ҳарбий гарнизон ёки ўқув-машқ майдончаларидан ташқарида эса баъзи маиший муаммолар бизни кутаётгани сир эмас. Масалан, яқинда Фарғона шаҳар ҳокимлиги ҳарбийларга уй-жой беришни вақтинча тўхтатди. Фуқаролар, шу жумладан ҳарбийларни уй-жой билан таъминлаш, коммунал хизматларни яхшилаш борасида Халқ демократик партияси қандай дастурга эга?

ЎзХДП МК биринчи котиби А.Рустамов йиғилганларни партиямиз бугунги кунда худди ана шу масалалар борасида ишлаб чиққан таклифлар билан таништирди.

— Чет эллардаги партиялар ўзаро доимо мухолифатда, соғлом рақобатда бўлади. Бизда эса улардагидай жўшқинлик, сиёсий фикрларнинг ўзаро юзхотирсиз тўқнашуви кам кузатилади, — деди оддий аскар Й.Тешабоев.

Ҳарбийларнинг ўткир, муаммоли мулоҳазаларига партия етакчиси муфассал жавоб берди. Ошкора мулоқот давомидаги фикр алмашувларда ҳарбийларимизнинг шарафли ҳамда машаққатли касбларига садоқати, айни пайтда мамлакатдаги сиёсий жараёнларни қизиқиб кузатишлари намоён бўлди. Учрашувда қатнашган таниқли шоир Исмоил Маҳмуд ўқиган Ватан, севги, ҳарбийлар ҳаётига оид шеърлар уларда катта таассурот қолдирди.

Ҳаяжонли, қизиқарли учрашувларнинг яна бири Бувайда туманидаги «Бувайда» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб ўтди. Ип-газлама ишлаб чиқарувчи бу корхона кейинги қисқа муддат ичида катта ютуқларга эришди. Корхонада 600 нафардан ортиқ аъзога эга бўлган ХДП бошланғич ташкилоти иш олиб бормоқда. Ёш, ҳаракатчан раҳбар Адҳамжон Солиев бошчилигидаги корхона маъмурияти ва ХДП бошланғич ташкилоти ташаббуси билан ишчи-хизматчилар учун «Қалбимизда Ватан туйғуси» деб номланган оммавий-сиёсий тадбир ўтказилди.

Юзлаб одамлар тўпланган корхона майдони байрамона безатилди. Вилоятнинг машҳур хонанда-созандалари йиғилганларга хизмат кўрсатишди. Тадбир давомида кам таъминланган оилаларга хайрия совғалари берилди. Масалан, Зиёда Раҳмонова шу корхонада ишлаган. Дард уни тўшакка михлаб, ногирон қилиб қўйган. Собиқ ишчига корхона маъмурияти ва ХДП бошланғич ташкилоти номидан телевизор совға қилинди. Корхонанинг бир қатор ишчиларига эса қимматбаҳо совғалар, шунингдек, «Ўзбекистон овози» газетасига йилнинг иккинчи ярми учун обуна чипталари топширилди.

— Биз Ўзбекистон Халқ демократик партия аъзоси эканлигимиздан фахрланамиз, — дейишди тадбирда сўзга чиққан корхона ишчилари Назирахон Мамажонова ва Гавҳарой Жабборовалар. — Ҳам дастгоҳлар ёнида, ҳам партия аъзоси сифатида ўз бурчларимизни бажарамиз!

Тадбирда Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби А.Рустамов сўзга чиқди.

**Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

# ИНТИЛИШ, ИЗЛАНИШ, ТАШАББУС — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туман партия ташкилотлари конференциялари қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтиб, янги режалар белгилаб олинмоқда. Куни кеча Беруний тумани партия ташкилотининг III конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда туман кенгашининг биринчи котиби Йўлдошбой Насуруллаев маърузаси тингланди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши раиси Жаҳонгир Ёқубов, «Саркон» овул фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Даригул Рабатова, «Халқ минбари» маҳаллий газетаси бош муҳаррири Қурамбой Шониёзов, «Райҳон» ҳиссадорлик жамияти ҳисобчиси, бошлангич партия ташкилоти котиби Зулфия Боймановалар партия ташкилотининг ҳисобот давридаги фаолияти ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Партия ташкилоти ўтган давр мобайнида ташкилий жиҳатдан шаклланиб, ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлангани қайд этилди. Шу кунга келиб, Ўзбекистон ХДП туман кенгаши таркибида 3788 аъзо бўлиб, улар олтмишта бошланғич партия ташкилотига жипслашган. Улардан 26 таси ҳудудий партия ташкилотидир. Ҳисобот даврида жами 935 аъзо партия сафига қабул қилинган. Уларнинг 53 фоизини аёллар, 76 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Энг муҳими, сон кетидан қувиш эмас, балки муносиб кишиларни қабул қилишга алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистон ХДП аъзолари сафи ўсишида «Маърифат», «Гулистон», «Навоий-I», Навоий номли, Охунбобоев номли ҳудудий партия ташкилотлари «Ёдгор», «Қиёт» ва бошқа ҳиссадорлик жамиятлари, шунингдек, ўнлаб бошланғич партия ташкилотлари ижобий натижаларга эришиб келмоқда.

Афсуски, Улуғбек номли, Абай номли, «Бибазар» ва бошқа қатор деҳқон-фермер хўжаликлари, туман алоқа бўлими, агросаноат, «Берунийтутинув» ҳиссадорлик жамияти каби бошланғич ташкилотлари ўзларининг имконияти бўла туриб, ўз сафларини ўсишига етарли эътибор бермасдан сусткашликка йўл қўйдилар.

Ўтган сайловлар якуни бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига тумандан тўрт нафар депутат, маҳаллий вакиллик органига 30 нафар номзоддан 18 депутат Ўзбекистон ХДПдан сайланди. Улар ўзларининг сайлов участкаларида жойлашган мактаб, касалхона, болалар боғчаларини оталиққа олиб, қўлларидан келган барча ёрдамларини кўрсатиб келмоқдалар. Фуқароларнинг турмушини яхшилаш мақсадида савдо, маданий-маиший, тиббий, коммунал хизмат кўрсатиш, ҳуқуқ-тарғибот органлари ва бошқа муассаса раҳбарлар олдига фуқаролар томонидан тушган аризалар бўйича масалалар қўйилиб, уларнинг ижобий ечилиши борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Кам таъминланган кўп болали, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга уруш ва меҳнат фахрийларига, ёрдамга муҳтож оилаларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда. Партия фаоллари ва партиядан сайланган депутатлар шаҳар ва овулларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Бу ишларда, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари Б.Ўразалиев, С.Салаев, Д.Рабатова, туман Кенгаши депутатларидан Г.Давлетова, Ф.Болтабоев, А.Матжонов, Р.Хидиров, А.Исҳақов, А.Каримов, Н.Қурбониязовлар фаол қатнашмоқдалар.

Туман партия кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, мактабларда, касб-ҳунар коллежлари ва бошқа ўқув масканларида бўлиб турли мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказмоқда. Мактабларда маҳаллардаги энг намунали оилаларнинг баҳслашув ўйинлари ташкил этилиб, ёшларга ибрат сифатида намойиш этилмоқда. Лекин, ёшлар тарбиясидаги ишлар талаб даражасида эмаслиги конференцияда қайд этилди. Ёшларимизнинг маънавий онгини юксалтириш, тафаккурини кенгайтириш, жиноятчилик ва ҳар хил диний оқимларга кириб қолиш ҳолларининг олдини олиш учун бутун жамоатчилик кураш олиб бориши зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани уқтирилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг XIV сессиясида мамлакатимиз Президенти сиёсий партияларнинг фаолияти тўғрисида айтган танқидий фикрларидан хулоса чиқарадиган бўлсак, — деди кенгаш биринчи котиби Й.Насуруллаев, — партия ташкилотларидан янада кўпроқ изланиш, ташаббускорлик талаб қилинади. Партиянинг ташкилий жиҳатдан янада мустаҳкамланишини таъминлаш ва уни сайлов мавсуми даврида жўшқин фаолият кўрсатишга тайёрлаш, партия фаоллари таркибига ташаббускор, ғайратли, жамиятда обрў-эътибор қозонган кишиларни сайлашга эътиборни кучайтиришимиз, сайловолди платформалари бўйича таклифларни ишлаб чиқишимиз лозим.

Конференцияда туман ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Т.Самандаров, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг котиби А.Ибодуллаев сўзга чиқдилар. Конференция ишида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ижроия бюро аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Президиуми раиси академик Т.Ешанов қатнашди. Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг III конференциясига делегатлар сайланди. Йўлдошбой Насуруллаев Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши биринчи котиби қилиб қайта сайланди.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

Тажриба ва таҳлил

# ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ОЛГАНМИСИЗ?

## Ундан тўғри ва мақсадли фойдалансангиз, қулай имконият ва даромад қўлингизда

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги **«2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий субъекти — фермерларга кенг йўл очди. Биласиз, бошқа соҳаларда каби қишлоқ хўжалигида ҳам харажат қанчалик кам бўлса, манфаат шунча юқори бўлади. Харажатни камайтириш эса маблағлардан тўғри, мақсадли фойдаланишга боғлиқ.

Шу йилдан бошлаб транш маблағлари ўрнига банкдан имтиёзли кредит олиш имконияти бу борада бизга катта қулайлик яратди. «Ғалаба» агрохизмати ҳудудида жойлашган хўжалигимизда 54 гектар ер майдонимиз бор. Унинг 30 гектарига пахта, 20 гектарига ғалла экканмиз. Давлатга салкам 36,5 тонна дон сотиб, шартномавий режамизни 120 фоиз бажардик. Харажатлар камайди. Бунда техника воситаларини самарали ишлатганимиз қўл келди. Лизинг асосида 2001 йилда «ТТЗ-8010» маркали трактор ва «Пахтабанк»нинг туман бўлимидан олинган 1 миллион 400 минг сўм миқдоридаги кредитга культивация ускуналари харид қилдик. Бу йил эса бошқа хил эҳтиёт қисмлар учун 3,5 минг сўмлик имтиёзли кредит олиб, барча техника воситаларини сифатли таъмирдан чиқардик.

Айни кунларда ғўзага ишлов беришда хўжалигимиз аъзолари — Фарҳод, Шерзод ва Ғайрат каби ака-укаларим ва Холжигит Жабборов ғўза ниҳолларининг қатор ораларига сифатли ишлов бериб, суғориш ва ўғитлаш жараёнларини меъёрида олиб боришяпти. Мақсадимиз — гектар бошига ҳосилдорликни 25 центнерга етказиб, давлатга шартнома асосида 75 тонна пахта сотиш. Мўлжалдаги бу ҳосилни қўлга киритиш учун жами 2257,6 минг сўм имтиёзли кредит олганмиз. МТП хизмати, минерал ўғит, нефть маҳсулотлари ва бошқа харажатлар учун маблағни олдиндан тўла ўтказиб қўйдик. Ишчи-хизматчиларга ойлик маошларини вақтида тўлаш учун ҳам ҳозиргача 500,0 минг сўм нақд пул олдик.

Аслини олганда, пахта ва ғалла етиштириш режасини 1999 йилдан буён муттасил бажариб келамиз. Ўтган хўжалик йилини 1 миллион 365 минг сўм соф фойда билан якунлаган бўлсак, бу йил уни 2,5 миллион сўмга етказмоқчимиз.

Хуллас, имтиёзли кредитнинг афзаллиги кўп. У биз фермерларнинг қимматли вақтимизни тежаб, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олмоқда. Фаолият доираси қулай, имконияти кенг. Бу тур кредит учун яқинда «Пахтабанк»нинг туманимиз бўлимида очилган «Ғалаба» минибанк шахобчаси ҳам ҳозир барча фермер хўжаликларининг суянчи ва таянчига айланмоқда.

**Баҳодир МУСУРМОНОВ, Зомин туманидаги «Мусурмонқул ота» фермер хўжалиги раиси, ЎзХДП аъзоси**

Иқтисод ва ислоҳот

# МИЛЛИЙ ВАЛЮТА — БАРҚАРОР ТАЯНЧИМИЗ

## «СЎМ»НИНГ МУОМАЛАГА КИРИТИЛГАНИГА 10 ЙИЛ ТЎЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳукумат томонидан молиявий барқарорликка эришиш ва иқтисодий қарамликдан қутулишнинг оқилона йўллари ишлаб чиқилди. Нарх-навонинг кескин ошиб кетишига йўл қўймаслик, ички бозорни маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдириш ва экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кенгайтириш чоралари кўрилди. Республика Марказий банки томонидан амалга оширилаётган изчил пул-кредит сиёсати асосан барқарор иқтисодий ўсиш ва молиявий барқарорликни таъминлашга, хусусан пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириб боришга йўналтирилди.

Умуман, миллий валюта — сўм муомалага киритилгандан буён Марказий банк мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда, асосий эътиборини мамлакат пул-кредит тизимини тартибга солиш ва такомиллаштиришга қаратиб келмоқда. Хусусан, инфляциянинг монетар каналларини сиқиш ва Марказий банк томонидан пул-кредит тизимини тартибга солишнинг бевосита бозор воситаларидан фойдаланишни кенгайтириш бўйича жиддий чоралар қабул қилинди. Натижада ўтган давр мобайнида ўртача ойлик инфляция суръати 1994 йилдаги 30 фоиздан ўтган йил якунлари бўйича 0,3 фоизгача қисқарди. Жорий йилда эса мазкур кўрсаткичнинг йилига 6-8 фоиз атрофида бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилган.

Республика Президентининг **«Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг **«Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори тизимдаги ислоҳотлар жараёнини янада кенгайтирди.

Мазкур ҳужжатлар банк муомаласига қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш ва банк тизимига бўлган ишончни ошириш, тижорат банкларида жамғарма ишини ривожлантириш, талаб ва таклиф асосида депозитлар бўйича ўзгарувчан фоиз сиёсатини жорий этиш, шунингдек, банкларнинг депозит базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг бўш пул маблағларини амалий муомалага жалб қилишни такомиллаштиришга шароит яратди.

Аҳолининг муддатли депозитлари ўсишига қараб тижорат банклари даромадларига имтиёзли солиқ солиш тартиби жорий этилди. Натижада тижорат банкларининг аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини турли жозибадор жамғармалар орқали банк тизимига жалб қилишида муҳим аҳамият касб этди.

**«Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши ва фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш Фондининг ташкил этилиши бу борада олиб борилаётган ишларнинг тадрижий давоми бўлди. Қонун омонатчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан бир қаторда республика банкларига бўлган ишончни янада ошириш ва аҳоли омонатларини банкларга жалб этишда қўшимча имкониятларни яратди.

Бундан ташқари, Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича омонатларнинг аҳоли учун қулай бўлган турларини жорий этиш, омонатни қабул қилган банк филиали қайси ҳудудда жойлашганидан қатъий назар, омонатчиларнинг биринчи талаби билан нақд пулда берилишини таъминлаш каби бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунда, банкларнинг даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда олинадиган базани жисмоний шахсларнинг муддатли омонатларининг кўпайган суммасига камайтирилишидан бўшайдиган маблағларни омонатлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишга йўналтириш тартиби амалда жорий қилинди. Эндиликда бу имтиёзлар пластик карточкалардаги омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлар ҳажмининг ошишига нисбатан ҳам қўлланиладиган бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг аҳолидан жалб қилган омонатлари қолдиғи 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига 245 млрд. сўмни ташкил этди. Бу 2002 йилдагига нисбатан 2,7 марта кўпдир.

Бугунги кунда тижорат банкларида мижозларга пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Жумладан, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Асакабанк», «Пахтабанк», «Саноатқурилишбанк», «Халқ банки», «ЎзДЭУбанк», «Бизнесбанк», «АБН Амробанк» каби ўндан зиёд банкларда мижозларга «сўм» ва «хорижий валюта»да очилган пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Пластик карточкалар орқали асосан савдо ва хизмат кўрсатиш (сервис) корхоналари, дўкон ва супермаркетлар, Миллий авиакомпания кассалари, дорихона ва меҳмонхоналар, уяли алоқа компаниялари, автомобилга ёнилғи қуйиш шахобчаларида маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун ҳамда корхона ва идораларида иш ҳақи ҳисоб-китоблари амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республика бўйича 220 мингга яқин миллий валютадаги пластик карточкалар амалда бўлиб, уларга 768 та савдо дўконлари, 140 та банкомат ва 300 га яқин банк хизмат пунктлари хизмат кўрсатмоқда.

Пластик карточкалардаги маблағлар қолдиғи 2004 йил 1 январь ҳолатига 11,7 млрд. сўмдан ошиб кетди. Бинобарин, 2003 йилнинг биргина декабрь ойининг ўзида жамғарманинг мазкур турига 5,7 млрд. сўм жалб қилинган бўлса, 2003 йил мобайнида эса пластик карточкалар орқали 2 млн.га яқин транзакциялар амалга оширилган.

Мазкур рақамлар аҳолининг миллий валютага, банк тизимига қолаверса, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга бўлган ишончининг ортиб бораётганини тасдиқлайди.

Миллий валютанинг эркин айирбошланиши унга нисбатан ишончнинг ортиши ва унинг халқаро майдондаги аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан, 2003 йилнинг 15 октябридан бошлаб, сўмнинг халқаро жорий операциялар бўйича эркин конвертация қилиниши миллий валютамиз — сўмга бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Натижада, алмашув курсларидаги фарқларга барҳам берилди, фуқароларнинг айирбошлаш шахобчалари орқали хорижий валюталарни эркин сотиб олиш, шунингдек, юридик шахсларнинг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари бўйича чекловлар олиб ташланди. Шуниси аҳамиятга моликки, жорий операциялар бўйича конвертация таъминланиши Халқаро-Валюта фонди ва бошқа молиявий институтларнинг кредитларини жалб қилмаган ҳолда амалга оширилди.

Қисқа қилиб айтганда, миллий валютамиз муомалага киритилганига 10 йил бўлди. Бу давр ичида ҳар биримизда миллий валютага бўлган ишонч замирида иқтисодий ислоҳотларга, давлатимизнинг ёрқин истиқболига бўлган ишонч тўла шаклланиб олди. Зеро, у — миллий фахримиз бўлиб, барқарорлиги — ҳар биримизнинг, ҳар бир корхона ва ташкилотнинг, умуман мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг мустаҳкам таянчи бўлиб қолмоқда.

**Шавкат ИСКАНДАРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Пул-кредит сиёсати маркази бўлим бошлиғи**

## АСЕАНнинг икки кунлик анжумани

Индонезия пойтахти Жакартада ҳудудий интеграция ва халқаро терроризмга қарши ҳамкорликда кураш мавзуига бағишланган Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (АСЕАН)нинг 37-анжумани бўлиб ўтди. Ташқи ишлар вазирлари даражасида ўтказилган икки кунлик бу анжуманда АСЕАН ҳудудида хавфсизлик бўйича ҳамкорлик ҳаракатининг режа-лойиҳаси кўриб чиқилди. Бундан ташқари Жануби-Шарқий Осиёда ижтимоий-маданий ҳамкорлик бўйича ҳаракат режаси, кема қатновлари хавфсизлиги масаласи муҳокама этилди, аёлларга зулм ўтказишни бартараф этиш бўйича декларация имзоланди.

Анжуман тугагандан сўнг АСЕАНга аъзо 10 та давлат — Бруней, Вьетнам, Индонезия, Камбоджа, Лаос, Мьянма, Малайзия, Сингапур, Таиланд ва Филиппиннинг 11-ҳудудий форуми ўз ишини бошлади. 1994 йилда ташкил топган мазкур форумда Австралия, Европа Иттифоқи, Ҳиндистон, Канада, Хитой, КХДР, Мўғулистон, Янги Зеландия, Папуа-Янги Гвинея, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия давлатлари вакиллари ҳам иштирок этди.

Форум иштирокчилари Покистонни ушбу форумга йигирма тўртинчи аъзо бўлиб қабул қилиниши билан табрикладилар.

# XORIJDA

## ИРОҚДА НИМА ГАП?

АҚШ бошчилигидаги иттифоқчи кучлар бошқаруви ҳокимиятни 30 июнда Ироқ муваққат ҳукумати қўлига топшириши лозим эди. Лекин бу тадбир икки кун аввал ўтказилди. Ироқдаги вақтинчалик коалиция маъмурияти раҳбари Пол Бремер ҳокимиятни Ироқ бош вазири Айяд Алауига топширди. Шундай қилиб, дейилади «Ал-Жазира» телеканали ахборотида, вақтинчалик коалиция маъмурияти тарқатиб юборилди, Пол Бремер эса Ироқни тарк этди.

✧✧✧

Бугун «Миллат хавфсизлигини ҳимоя қилиш тўғрисида қонун» қабул қилинади.

«Ас-Сабах» газетаси хабар беришича, 10 та моддадан иборат бу қонун бош вазирга катта ваколатлар беради. Яъни; бош вазир Ироқ ҳудуди бўйича, ёки айрим ҳудудлар бўйича фавқулодда ҳолат жорий этиш, мамлакатда ҳаракатларни вақтинчалик чеклаш, Ироққа кириш ва ундан чиқиб кетишни тақиқлаш, хорижий почта жўнатмаларини текшириш, компаниялар, савдо марказлари ва турли клублар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

✧✧✧

Қувайт Ташқи ишлар вазирлиги Ироқ билан дипломатик алоқалар тўлиқ тикланганлигини маълум қилди. Бу ҳақда КУНА агентлиги хабар тарқатди.

Яқин кунларда элчи тайинланади.

Қувайт Ироқ билан дипломатик алоқаларни 1990 йилда узган. Ўшанда Ироқ армияси Қувайтга бостириб кирган эди.

✧✧✧

Шу йил октябрда Японияда Ироққа ёрдам берувчи донор-мамлакатлар анжумани бўлиб ўтади.

Бундай анжуман охирги марта май ойида Дохада бўлган эди. Ўшанда айрим давлатлар Ироқни АҚШ ва Буюк Британия бошқарар экан унга ёрдам бермаймиз, дея аҳд қилишган эди. Энди улар қандай қарорга келишини вақт кўрсатади, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

✧✧✧

Собиқ диктатор Саддам Ҳусайн ва унинг 11 нафар ҳамкори шу кунларда суд қилиш учун Ироқ маъмуриятига топширилади.

«Ат-Таахи» газетаси маълум қилишича, суд очиқ-ошкора ўтказилади.



Бельгия. Брагс майдони ҳар доим сайёҳлар билан гавжум.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР САЙЛАНДИ

Литвада бўлиб ўтган навбатдан ташқари президент сайловида 77 ёшли Валдас Адамкус иккинчи бор бу лавозимни эгаллашга муваффақ бўлди, дея хабар беради «Интерфакс» агентлиги.

Бош сайлов комиссияси раиси Зенонас Вайгаускаснинг айтишича, Адамкус 51,63 фоиз овоз олишга эришган, яна бир номзод — бош вазир Казимир Данутe Прунскен эса 46,91 фоиз овоз олган. Сайловда 2 миллион 64 минг сайловчидан 52,38 фоизи иштирок этди.

Сайловнинг якуний натижалари жума куни эълон қилинади. Янги Президентнинг лавозимни қабул қилиш маросими 12 июлда ўтказилади.

Маълумки, шу йил апрель ойида Литва Президенти Роландас Паксасга импичмент эълон қилиниб, лавозимидан бўшатилган эди. Шундан сўнг навбатдан ташқари президент сайлови учун курашлар бошланди.

Энди Валдас Адамкус ҳақида икки оғиз гап: у 1926 йил 3 ноябрда Каунасда туғилган. Иккинчи жаҳон урушида озодлик ҳаракатларида қатнашган. 1944 йилда унинг оиласи Германияга кўчиб кетади, сўнг АҚШга ўтади. 1960 йилда Иллинойс Технология институтини битирган. АҚШ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш агентлигида хизмат қилган.

1998 йилда Литва Президентлигига биринчи бор сайланган.

Партиясиз. Оилали, лекин фарзанди йўқ.

✧✧✧

Сербияда ҳам Президент сайлови бўлиб ўтди. Бу иккинчи тур сайловда Демократик партиядан қўйилган номзод Борис Тадич 53,61 фоиз овоз олиб ғалаба қозонди. Иккинчи номзод — Радикал партия вакили Томислов Николич учун эса 45,03 фоиз сайловчи овоз берди.

BBC News хабарига кўра, сайловда 49 фоиз сайловчи қатнашган.

14 июнда бўлиб ўтган биринчи тур президент сайловида Тадични 27,93 фоиз сайловчи қўллаб-қувватлаган бўлса, Николич учун 31,62 фоиз киши овоз берган эди. Сербия қонунчилигига кўра, номзодлар 50 фоиздан кўп овоз олиши лозим. Акс ҳолда сайлов натижалари ҳисобга олинмайди.

Кучли давлатдан — кучли жамият сари

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР СИФАТ ЖИҲАТДАН ЯНГИ БОСҚИЧИНИНГ ЎЗИГА ХОС МАРРАСИ

Ўзбекистондаги парламент ислоҳотларининг мантиқий кечиши парламентаризм ривожланишининг умумжаҳон тенденциялари билан тўла ҳамоҳангдир. Икки палатали тизимга ўтиш демократик ислоҳотларнинг сифат жиҳатдан янги босқичининг ўзига хос марраси бўлиб, у ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти негизининг ривож топиб бориш хусусияти билан ажралиб туради.

Парламент ислоҳотининг бош мақсади вакилликни кенгайтириш ва қонунчилик жараёни самарадорлигини оширишдан иборат. Аслини олганда, гап умумхалқ (сиёсий) ва ҳудудий вакилликнинг таркибий-функционал бўлиниши вақти келгани, парламентнинг қонунчиликка, назоратга оид ва сиёсий фаолиятини кучайтириш тўғрисида борганди. Бу ғоя Юртбошимизнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида белгиланган давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш йўли мантиқидан келиб чиқади. Маърузада ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратишнинг конституциявий тамойилини амалда ривожлантириш ва кучли давлатдан фуқаролик жамиятига ўтиш концепциясини рўёбга чиқариш мақсади долзарб вазифа қилиб қўйилди. Бу фикрлар Президентнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги дастурий маърузасида ҳам ўз аксини топди. Навбатдаги сессияда икки палатали парламентга ўтиш тўғрисидаги таклиф киритилганида юқори палатани ташкил этишнинг бош мақсади ҳудудий вакилликни жорий этиш зарурлигига асосланганди. Юқори палата таркиби вилоятлар, шаҳарлар ва туманлардан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлардан иборат бўлиши кўзда тутилганди.

Юқори палатага сайланган депутатлар ўз вилояти манфаатларини ҳимоя қилишлари лозим. Бу вазифа асосан қуйи палатада тайёрланган қонунларни кўриб чиқиш воситасида амалга оширилиши даркор. Шунингдек, юқори палатага ҳар қайси вилоятдан сайланган депутатлар сони бир хил бўлишини белгилаб қўйиш таклифи ўртага ташланди. Бу ўринда Президент юқори палата фаолиятининг бош принципини шундай изоҳлади: «Юқори палата давлат фаолиятининг барча соҳаларига тенг кўз билан қараб, халқ манфаатларини бирдек ҳимоя қилиши керак».

Кейинроқ, Юртбошимиз икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш тўғрисидаги умумхалқ референдуми муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида юқори палата зиммасига юклатиладиган вазифалар моҳиятини янада ойдинлаштирди. Биринчидан, юқори палатада маҳаллий депутатлар ваколатларининг ифодаланиши ғоясида уларнинг давлатни бошқариш жараёнига таъсир кўрсатишини кенгайтиришга интилиш акс этган. Чунончи, юқори палата бевосита қонунларни яратишда қуйи палата билан бир вақтда иштирок этмаслиги керак. Унинг асосий вазифаси вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар депутатлари вакиллари орқали маҳаллий ҳокимият манфаатларини ифодалашдан ҳамда қуйи палата тақдим этган у ёки бу қонунни маъқуллаш ёки маъқулламасликдан иборат бўлади. Юқори палата ўз ҳудудлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонунчилик жараёнида иштирок этади. Иккинчидан, олий вакиллик органларининг олий ҳокимият органларини шакллантириш билан боғлиқ сиёсий вазифаларини юқори палата қўлида мужассамлаштириш мўлжалланади. Юртбошимизнинг қайд этишича, «Демократик жамият сари яқинлашиб борар эканмиз, келажакда Ўзбекистон Президентининг айрим ваколатлари ҳам юқори палатага берилади. Тегишли равишда, ижроия ҳокимиятининг кўпгина йўналишлари Президентга эмас, юқори палатага бўйсундирилади».

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясидаги маърузасида, Конституцияга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш пайтида Президентимиз Сенатнинг шаклантирилиши парламентга мамлакатнинг юрак уришини билиб туриш, минтақалар билан бевосита алоқаларни амалга ошириш, уларнинг манфаатларини акс эттириш ва ҳимоя қилиш имконини беришини уқтирди. «Қуйи ва юқори палаталарнинг бундай тартибда шаклланиши Ўзбекистон Республикаси Парламентида нафақат сиёсий гуруҳ ва ҳаракатларнинг, балки минтақавий кучларнинг, бир сўз билан айтганда, мамлакат аҳолиси барча ижтимоий қатламларининг манфаатларини тўлиқ ифода этиш учун зарур асос ва кафолатларни яратади», деди.

Юртимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ниятида чет мамлакатлар тажрибасини, парламент иши самарадорлигини ошириш эҳтиёжларини ўрганиш натижасида икки палатали парламентнинг қонунчилик негизини шакллантириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, юқори палатанинг асосий вазифалари «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларда, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда Сенатнинг мутлақ ваколатларини ҳуқуқий йўл билан белгилаб қўйишда ўз ифодасини топди.

«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонунда юқори палатанинг асосий вазифаси Сенатнинг ҳудудий вакиллик палатаси сифатида таърифланиши орқали ифодаланган.

Барқарорлик ва назорат омили сифатида консерватив элемент қуйидаги нормаларда акс эттирилган. Биринчидан, Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Иккинчидан, қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунни Сенат кўриб чиқади ҳамда уни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Умуман олганда, бу тартиб-таомилга оид норма. Лекин у Сенат бажарадиган асосий вазифа моҳиятини – қабул қилинаётган қонунларнинг минтақавий, умуммиллий манфаатларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан назоратни амалга оширишини акс эттиради. Бунда консерватив элемент демократик норма билан анча юмшатилади. Унга мувофиқ, Сенат томонидан рад этилган ва қонунчилик палатасига қайтарилган қонун, агар қуйи палата депутатлар умумий сонининг учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози билан қонунни яна маъқулласа, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, консерватив элементнинг демократиклиги юзага келган келишмовчиликларни келишув комиссияларини тузиш орқали бартараф этиш тартибида ифодаланган.

«Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунда ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунда (8, 9-моддалар) Сенатнинг асосий вазифалари мутлақ ва Қонунчилик палатаси билан биргаликдаги ваколатларида ўз ифодасини топган.

Аввало, шуни таъкидлаш кераккки, мутлақ ваколатлар жумласига, биринчидан, Сенатнинг ички ишини ташкил этиш (масалан, Раисни, унинг ўринбосарларини, қўмиталар раислари ва ўринбосарларини сайлаш; палата фаолиятини ташкил этиш ва ички тартиб-қоидалар) масалалари киритилган. Иккинчиси кадрлар сиёсатига оид масалалар бўлиб, уларнинг муайян қисми Конституциямизга мувофиқ Олий Мажлис тасарруфига киритилганди. Бу ўринда гап Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий судини, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судини сайлаш ҳақида бормоқда. Бу ваколатлар жумласига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимларидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни ҳам киритиш керак бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Сенат Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади.

Сенатнинг шу вақтга қадар парламентда бўлмаган ваколатлари сирасига Ўзбекистон Президентининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлашни шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан, Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этишни киритиш мумкин. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш Сенатга берилган янги парламент ваколати ҳисобланади.

Суд ва ижро этувчи ҳокимият органларининг олий мансабдор шахсларини сайлаш, тайинлаш ва лавозимидан озод этиш масалалари бўйича ваколатларнинг ўзига хослиги шундаки, улар вакиллик ҳокимиятини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам, ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширишда қатнашиш жиҳатидан ҳам сиёсий хусусиятга эга. Президент тақдимига биноан сайлайдиган ва ҳал қиладиган ёки Президентнинг кадрларга оид қарорларини мустаҳкамлайдиган орган ҳуқуқида иштирок этар экан, Сенат шу асնода мазкур қарорлар бўйича Президент билан маъсулиятни бўлишади ва айниқса, Сенат ўзи сайлаш ва тайинлашда бевосита иштирок этадиган мансабдор шахсларга нисбатан назорат қилишга оид вазифалар амалга оширилишига кўмаклашади. Айтилган фикр, аввало, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисига тааллуқли бўлиб, улар Конституцияга мувофиқ Сенат олдида ҳисобот берадилар.

Сирасини айтганда, бу ваколатлар Сенатнинг фақат парламент самарали ишлаши учун зарур консерватив элементга эга бўлган ҳудудий вакиллик палатаси сифатидагина эмас, балки умуман парламентнинг, айниқса, ижро этувчи ҳокимият билан ҳамкорлик қилиш ва унинг устидан назорат олиб бориш масалаларида сиёсий восита сифатидаги ўрнини белгилайди. Шуни қайд этиш керакки, вакиллик хусусияти туфайли мазкур восита гуруҳларга бўлинмаган, нопартиявий моҳиятга эга. Ушбу ҳолат «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг ҳудудий белгига кўра ҳамда сиёсий ва бошқа асосда гуруҳлар тузилишини истисно этадиган норма билан мустаҳкамланади. Қонунлар лойиҳаларида ва қуйи палатанинг бошқа қарорларида ўз аксини топадиган партиявий ва бошқа гуруҳларнинг сиёсий манфаатлари уларнинг минтақавий ва умумдавлат манфаатларига мувофиқлиги жиҳатидан саралашдан ўтказилади. Умумдавлат манфаатлари ва ҳудудлар манфаатларини Олий Мажлиснинг қонунчилик ва вакиллик ишида акс эттириш билан боғлиқ бошқа вазифаларни Сенат Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда бажаради.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, асосан аввал Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатида кўриб чиқилиши керак. Юқори палатанинг фаолияти пировард натижада ҳокимият бўлиниши тизимида қонунчилик ҳокимияти ролини кучайтиришга ва аҳоли сиёсий фаоллигини оширишга кўмаклашмоғи лозим.

Сенат ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вазифалари қаторига ҳудудий вакиллик вазифалари, ўзаро назорат ва тийиб туриш элементлари, илгари Президентга тегишли бўлган ва ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан тегишли назоратни амалга ошириш имкониятини берадиган айрим сиёсий ваколатлари қўшилади.

Юқори палатага қонунчилик йўли билан бериб қўйилган ваколатлар парламентаризмнинг демократик моҳиятини акс эттиради ҳамда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти институционал негизини ривожлантиришдаги янги босқични ифодалайди. Бу парламентнинг қонунчиликка оид ва бошқа қарорларини мушоҳада қилишнинг партиявийликдан, гуруҳларга мансубликдан холи шаклда ифодаланган демократизмнинг анча юксак мезонидир.

**Аҳмаджон БОБОБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тадқиқотчиси, адлия маслаҳатчиси**

World Chess Championship 2004

Газетамизнинг аввалги сонида Ливия пойтахти Триполида шоҳмот бўйича ўтаётган XVII жаҳон чемпионатида Ўзбекистоннинг энг кучли гроссмейстери Рустам Қосимжонов чорак финалга йўлланма олганлигини хабар қилгандик.



## ГАРРИ КАСПАРОВ: ҚОСИМЖОНОВ ҒОЛИБ БЎЛИШИ МУМКИН

Ҳамюртимиз қуръага кўра, ярим финалда россиялик Александр Гришчукка қарши дона сурди. Бу учрашув олдидан кўпчилик дунё таснифида кучли ўнликда бораётган россиялик шоҳмотчини ғолиб чиқади, деб башорат қилганди. Дарҳақиқат, у ҳамюртимизга қараганда анча тажрибали эди. Чунончи, рейтинг бўйича Александр Гришчук 2719, Қосимжонов эса 2652 коэффицентга эга эди.

Учрашувнинг дастлабки партиясида оқ доналар билан ўйнаган Рустам рақибини мағлуб этганди. Сешанба куни ўтказилган иккинчи партияда россиялик шоҳмотчи ғолиб чиқди. Умумий ҳисоб — 1:1. Мусобақа низомига мувофиқ, бундай ҳолатда ғолиб тай-брек асосида аниқланади. Ҳал қилувчи икки партияда иқтидорли гроссмейстеримиз Россиянинг етакчи шоҳмотчисига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва ярим финалга йўлланмани қўлга киритди — 3:1.

Чорак финалнинг қолган уч учрашувида қуйидаги натижалар қайд этилди: Владимир Акопян (Арманистон) — **Майкл Адамс (Англия)** — 0,5:1,5, Андрей Харлов (Россия) — **Веселин Топалов (Болгария)** — 0:2, **Теймур Ражабов (Озарбайжон)** — Лениер Домингес (Куба) — 3,5:3,5 (ғолиб қўшимча коэффицентлар асосида аниқланди).

Энди бугун бошланадиган ярим финал учрашувида ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов болгариялик Веселин Топаловга қарши дона суради. Финалнинг иккинчи қатнашчиси номи эса англиялик Майкл Адамс ҳамда Теймур Ражабов(Озарбайжон)лар баҳсидан кейин аниқ бўлади.

Сўнгги йилларда қатор йирик халқаро турнирларда муваффақият қозонаётган ўзбек гроссмейстерининг чемпионатдаги зафарли одимини мутахассислар алоҳида эътироф этишмоқда. Хабарингиз бор, мусобақанинг аввалги босқичларида Рустам жаҳоннинг энг кучли шоҳмотчиларидан Золтан Алмаший (Венгрия), Василий Иванчук (Украина)ларни ютганди. Бу эса унинг жаҳон чемпионатидаги эришаётган ютуқлари тасодиф эмаслигини кўрсатиб турибди. Ҳатто унинг маҳоратига Вейк-ан-Зее (Голландия) турнирида жаҳоннинг энг кучли шоҳмотчиси Гарри Каспаров ҳам тан бериб, «Қосимжонов FIDE-нокаут тизимидаги жаҳон чемпионатида зафар қучиши мумкин», дея алоҳида таъкидлаганди. Илоҳим шундай бўлсин. Ҳамюртимизга бутун мамлакатимиз омад тилаб турибди.

Шу ўринда эслатиб ўтамиз, соврин жамғармаси 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу жаҳон чемпионатининг барча иштирокчилари мусобақа низомига кўра, ФИДЕнинг маълум миқдордаги маблағига эга бўлади. Жумладан, 1/64 финалнинг ҳар бир қатнашчисига 6 минг АҚШ доллари берилади. Қолган босқичда бериладиган маблағ миқдори эса қуйидагича тақсимланган: 1/32 финалда 10 минг, 1/16 финалда 15 минг, 1/8 финалда ҳар бир шоҳмотчи 22 минг АҚШ доллари миқдорида пул олади. Чорак финалга чиққан қатнашчилар 32 мингдан, ярим финалда 45 минг ва финалчиларга 70 минг АҚШ доллари тегади. Чемпионат низомига мувофиқ жаҳон чемпионлигини қўлга киритган шоҳмот устаси 100 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот соҳиби бўлади.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда:** Александр Гришчук — Рустам Қосимжонов баҳсидан лавҳа.

**Қуйида гроссмейстеримиз Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпионатининг ярим финалига қадар ўтказган учрашувлари натижаси билан танишинг:**

**1/64 финал**

Р. ҚОСИМЖОНОВ — Александро РАМИРЕС (Коста-Рика) — 2,5 — 1,5

**1/32 финал**

Р. ҚОСИМЖОНОВ — Эҳсон Хаем МАГХАМИ (Эрон) — 1,5 — 0,5

**1/16 финал**

Р. ҚОСИМЖОНОВ — Василий ИВАНЧУК (Украина) — 2,5 — 1,5

**1/8 финал**

Р. ҚОСИМЖОНОВ — Золтан АЛМАШИ (Венгрия) — 2:0

**1/4 финал**

Р. ҚОСИМЖОНОВ — Александр ГРИШЧУК (Россия) — 3:1.

*Болалар спорти*

## ИЗЛАНГАНГА ИМКОН БОР

Болалар спортини ривожлантиришларига ишларига Пешку туманида ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гарчи, бу борада ечимини кутаётган муаммолар кўп бўлса-да, мавжуд имкониятлар излаб топиляпти. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан бўш ётган клублари замонавий спорт залларига айлантирилмоқда. Фикримиз қуруқ бўлмаслиги учун далилларга мурожаат қиламиз. Узоқ йиллардан буён туман марказига туташ Навбаҳор маҳалласида «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг ҳайҳотдек клуби ҳувиллаб ётар, унинг теварак-атрофи қаровсиз аҳволда эди. Бугун-чи? Айни чоғда ҳокимлик ҳамда ҳомийлар кўмагида клубнинг мақоми ҳам, қиёфаси ҳам ўзгарди. Ташландиқ объект ўрнида қизлар учун бадиий гимнастика зали вужудга келди.

— Энди бу ерда 4-12 ёшгача бўлган 40 нафар қиз бадиий гимнастика билан машғул бўлади, — дейди болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тумандаги етакчи мутахассиси Муродулла Қудратов.

Бу масканга қарийб эллик миллион сўмлик маблағ сарфланиб, спорт анжомлари билан жиҳозланди. Шинам ўриндиқлар, чўғдек поёндоз ва ёритгичлар кишини ўзига мафтун этади. Ювиниш, кийиниш хоналари-чи? Мураббий Робия Абунасованинг жонкуярлигини айтмайсизми?

— Бу ишга ҳиссамиз қўшилганидан мамнунмиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими раиси Ғайрат Ҳамидов, — залнинг ташқарисида баскетбол, волейбол майдонларини ташкил этдик. Яқин ойлар ичида ширкат хўжалигининг икки қаватли маъмурий биноси ҳам спортсеварлар ихтиёрига берилади. Ўшанда ёшларнинг бу ерга оқиб келиши янада кўпаяди.

Биз тумандан анча олис қишлоқлардаги мактабларда бўлганимизда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун имкон қадар шароит яратиб берилаётганини кўриб қувондик. Хусусан, 3- 4-мактаблардаги спорт майдончалари ҳамиша шуғуланувчилар билан гавжум экан.

— Мактабимизда ишлаган, бугун орамизда бўлмаган марҳум ҳамкасбларимиз — Муҳиддин Қосимов, Ҳасан Бердиевлар хотира турнирини ўтказдик, — дейди 3-мактаб директори Қобил Тўйқулов. — Унда ёшлар футбол, миллий кураш бўйича беллашдилар. Турнир ҳақиқий байрамга айланганини айтмасам ҳам бўлади.

Бизнинг хаёлимиздан шундай ўй кечди: қанийди, тумандаги 48 та мактабда ҳам спортга эътибор шундай бўлса! «Боғимусо» ширкат хўжалигидаги усти ёпилмаган, қаровсиз клуб спорт саройига айлантирилса-ю, раис идора олдидаги ўйингоҳга ойида бир марта қадам ранжида этса. Кўзда тутилган «Пахтаобод», Алишер Навоий номли ширкат хўжаликларида қурилиши бошланган спорт объектларида жадал иш борса, ҳар бир қишлоқда жисмоний чиниқиш учун қулайликлар яратишга оқсоқоллар бош бўлишса.

Ҳарҳолда, Пешку туманида бошланган яхши ҳаракатлардан бошқалар ҳам ибрат олса арзийди.

**Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**



*Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат*

Бувайда туманида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари мазмунли ўтишига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўн тўрт мингдан ортиқ ёшлар учун туман ҳудудида спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол, енгил атлетика турлари билан шуғулланиш имконияти яратилди.

Натижалар чакки бўлаётгани йўқ. Энг муҳими, болалар спорт билан шуғулланиб, бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Ҳозирга қадар ўнлаб ўқувчилар «Умид ниҳоллари» республика мусобақасида Фарғона вилояти шарафини ҳимоя қиладиган бўлишди.

**Суратда:** футбол мураббийи Ҳошим Ўтанов болалар билан машғулотда.

## СЕВАРАНИНГ ТИЛБУРГДАГИ МУВАФФАҚИЯТИ

Голландиянинг Тилбург шаҳрида «Мондиаль» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтди. 17-маротаба ўтказилаётган мазкур анжуман Европа халқаро мусиқа календарида алоҳида ўрин эгаллайди ва унга халқ мусиқасини ижро этувчи таниқли хорижий санъаткорлар таклиф этилади.

Бу йилги фестивалда биринчи маротаба ўзбек хонандаси Севара Назархон иштирок этди. «Мондиаль» фестивали ташкилотчиси Эрвин Скеллекенснинг эътироф этишича, С.Назархоннинг Тилбургга таклиф этилиши тасодифий ҳол эмас. Фестиваль раҳбарияти Севаранинг сўнгги йиллардаги хорижий гастроллари ва концерт дастурларини диққат билан кузатиб борган. Ўзбекистонлик қўшиқчининг жорий йилнинг бошида Британиянинг Би-би-си корпорацияси таъсис этган «AWARD 2003» совринига сазовор бўлгани фестиваль ташкилотчилари эътиборидан четда қолмади.

Айтиш жоизки, дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган ўттиздан зиёд хонанда ва созандалар орасида Назархон алоҳида ажралиб турди. Ўзбек қўшиқчиси нафақат МДҲ мамлакатлари, балки бутун Осиё қитъасининг ягона вакили сифатида ўз санъатини намойиш этди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Севаранинг бир соатдан ортиқ давом этган концерт дастури кўпсонли голландиялик мусиқа ихлосмандларининг юксак олқишига сазовор бўлди. Ўзбек хонандаси қўшиқларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашар экан, фестиваль директори Ян Дриссин шахсан ўзи ва кўпсонли шинавандаларни Севаранинг дилрабо овози, унинг ноёб истеъдоди ва ижрочилик маҳорати ҳайратга солганини эътироф этди. Унинг сўзларига қараганда, Назархон «Мондиаль» фестивалининг энг ёрқин ва истиқболли иштирокчиларидан бири сифатида баҳоланди.

**Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА**

Брюссель.

## «МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ



Журналнинг 3-сони Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида нашр этилиши ўқувчиларга қимматли байрам тухфаси бўлди. Янги сон профессор Фарҳод Набиевнинг «Буюк келажак сари элитувчи ғоя» мақоласи билан очилган. «Мулоқот»нинг ушбу сони ўзининг миллий ғоя, илм-фан, таълим ва тарбия, тарих ва истиқбол, миллий қадриятларимизни англаш, мерос ва ҳуқуқ масалаларига бағишланган қизиқарли, ўқимишли мавзулардаги мақолалари билан ажралиб туради. Жумладан, Қарши давлат университетининг ректори, профессор Гулмирза Худойберганов ўзининг «Салоҳият чексиз имкониятлар яратувчисидир» мақоласида мустақиллик йилларида жамоа эришган ютуқларга ва ёшларга яратилаётган янги-янги имкониятларга тўхталиб ўтади. Шунингдек, тарих фанлари доктори Аҳмаджон Чориевнинг «Мардлик ва бунёдкорлик йиллари» мақоласи таниқли олим Поён Равшанов қаламига мансуб бўлган «Қашқадарё: истиқлол арафасида — 1986-1989 йиллар» китобига бағишланган. Шунингдек, ушбу сонда «Навоийхонлик» рукни остида профессор Муслиҳиддин Муҳиддиновнинг «Сўз гуҳариға эрур онча шараф...» мақоласи эълон қилинган. Унда Сўз — одамнинг шарафи, Сўз — фазилат, Сўз — ахлоқий камолот белгиси эканига катта урғу берилади. Журнал саҳифаларида Обиджон Маҳмудовнинг Ўзбекистон халқ шоири, Муҳаммад Юсуф ҳақидаги хотиралари ўрин олган. Қолаверса, профессор Самадулла Мустафоевнинг «Бодомлар Ватани», тарихчи олим Рашид Бойтуллаевнинг «Меъморий обидалар — маънавий бойлигимиз» мақолалари ёшларда ватанпарварлик туйғусини тарбиялайди. Янги сонда она-табиат, тиббиёт, экология, иқтисод, саноатни қишлоққа яқинлаштириш ҳақидаги ҳозирги даврнинг энг долзарб мавзуларига ҳам кенг ўрин ажратилган.

**Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ЧИЛОНЗОР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ**

**2004-2005 ўқув йилига 9-синфни битирганлар учун аниқ фанлар йўналиши бўйича**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Ҳужжатлар жорий йилнинг 20 июнидан 31 июлига қадар қуйидаги тартибда қабул қилинади.

— таълим муассаси директори номига ариза;

— ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасидан нусха (гувоҳноманинг асли маслаҳат гуруҳи вакилига ҳужжат топшираётган ўқувчи томонидан шахсан кўрсатилади);

— 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;

— доимий яшаш жойидан маълумотнома;

— 3х4 ёки 4х6 шаклдаги 6 дона фотосурат;

**— 9-синфни битиргани ҳақидаги шаҳодатноманинг асл нусхаси;**

— касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик ташҳис марказининг тавсияномаси.

**Манзилимиз: 700195, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, М.Ғофуров кўчаси, 183-уй.**

**Телефонлар: 45-22-64, 45-22-68, 45-67-45.**

*Ҳикматли сўзлар маъноси*

## ОТА ҒАЙРАТЛИ БЎЛСА, БОЛА ИБРАТЛИ БЎЛУР

Халқ ўзининг бир туркум мақолларида ота-онанинг болаларга муносабати хусусида фикр юритаркан, болаларнинг қандай инсон бўлиб вояга етиши ва турмушини қай даражада ўтказиши — ота-онанинг ўзи қандай одам бўлишига, ўзини қандай тутишига, қандай мураббийлик қилишига боғлиқ эканлигини турли-туман тамсиллар воситаси ила уқтиради: «Ота қалби — бола қалбидан кучли»; «Отанг ким бўлса, шунинг ўғлисан» («Отанг яхши одам бўлса, одамлар: «Бу — фалончининг ўғли» деб, сени ҳам иззат-ҳурмат қиладилар. Мазкур мақол билан оталарни яхши одам бўлишга, одамлар орасида ўз яхшиликлари билан обрў-эътибор қозонишга даъват этадилар);

«Отали ўғил — эгали қул»; «Отали ўғил — хўжали қул»; «Ўғлингни севсанг, қулингдек ишлат»; «Отингни яхши кўрсанг, айлини маҳкам торт». Кейинги тўрт мақол билан мажозан: «Фарзандларингни меҳнатга ўргат, меҳнатсевар қилиб тарбияла деган маънода насиҳат қиладилар); «Отанинг ювоши — боланинг роҳати»; («Болангга нисбатан ҳаддан ташқари кўнгилчан, керагидан ортиқча раҳмдил бўлиб, уни ўз билганига, ўз ҳолига қўйиб қўйсанг, ахири бориб-бориб у сенга «бўй бермайдиган», сўзингга кирмайдиган, ўзбошимча бўлиб кетади. Шунинг учун болага қаттиқроқ туриш керак», дейилмоқчи); «Отаси тентакнинг — бири тентак, онаси тентакнинг — бари тентак» (Юқорида қайд этилганидек, «Қуш уясида кўрганини қилади». Агар ота-онанинг ўзи нодонлик, ақлсизлик, енгилтаклик, бефаросатлик билан иш тутадиган, нотўғри, ноҳақ, уятсиз ва ҳ.к. сўзларни гапирадиган, ёқимсиз, беўхшов, тентакона қилиқлар, хатти-ҳаракатлар қиладиган бўлса, буни фаҳмлаб юрадиган болалар ҳам шундай қилишга одатланишади, уларнинг ҳам феъл-атвори шу томонга бурилиб кетади. Мазкур мақолда шу ҳолга шама қилинган);

«Ота моли қўшилмаса, бола бойимас»; «Ота-онадан қолган қўр-қут» (қўр — моя, заҳира; қут-барака); «Ота моли — болага уютқи», «Уютқисиз қатиқ уюмас, ачитқисиз — қимиз». (Бу кейинги тўрт мақол билан: «Ота моли болага «уютқи» бўлиб кирмаса, бола ўнглана олмайди. Ота болага уй-жой солиб берса, рўзғорига қарашса, ўзидан бир парча бўлса ҳам экин экадиган ер, битта бўлса ҳам (чорва) мол қолдирса ва ҳ.к., бола аста-секин «оёққа туриб», ўзини ўнглаб олиб, турмуш «аравасини» мустақил тортиб кетадиган бўлади).

«Ота тўни болага лойиқ келса, ота тўнин тилайди» Бола вояга етиб, куч-қувватга тўлиб, озми-кўпми ҳаётий тажриба орттириб, «оқ-қорани таниб», «кўзи пишиб», уйланиб-жойланиб, бола-чақа орттира бошлагач, дунёқараши сезиларли даражада ўзгара бошлайди, ота-онасидан иймaниб, айтмай юрган гапларини аста-секин айта бошлайди, масалан, отасининг ўзига лойиқ келиб қолган тўнини «менга беринг» дейишдан тап тортмайди. Мазкур мақол билан: «Боланг катта бўлиб, «ўз аравасини ўзи тортиш»га қурби етадиган бўлгач, унга энчисини бер-у, ишонч билдириб, ўз ҳолига қўй, токи у мустақилликка ўргансин, кўниксин, ҳаёт кечиришнинг масъулиятини сезиб, шунга яраша иш тутадиган бўлсин», дейилмоқчи. Энчи — ота қартайгач, ҳаётлик вақтида фарзандларига тақсимлаб берадиган мероси: мол-мулки, уй-жой, экин майдони, чорва моллари, асбоб-анжом ва ҳ.к.



**ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ**

**«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»**

**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН**

***«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.***

**Товар сертификатланган.**

**Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63**

**факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru**

## ЧЕМПИОНЛИК КИМГА НАСИБ ЭТАРКИН?

Яна уч кундан сўнг қарийб бир ой давом этган Европа чемпионати мусобақалари поёнига етади. Тўғрироғи, якшанба куни мухлислар чемпион номини билиб оладилар. Умуман, бу галги чемпионат аввалгиларига ўхшамайди. Англия, Франция, Италия, Германия сингари жамоаларнинг омади юришмагани ҳам буни тасдиқлайди. Тўғри-да, ҳаёт бир жойда қотиб қолмаганидек, футболда ҳам ўзгаришлар бўляпти. Хуллас, ҳал қилувчи палла яқин. Кеча биринчи ярим финал учрашувини Португалия — Голландия жамоалари бошлаб беришди. Бугун эса иккинчи ярим финал учрашуви Греция — Чехия жамоалари ўртасида бўлади.

Кўриниб турибдики, чемпионлик учун курашаётган тўрт жамоанинг биронтасида ҳам футбол оламида шов-шувларга сабаб бўладиган воқеалар бўлмаган ёки нуфузи жиҳатидан футбол солномалари саҳифаларидан муқим жой олмаган. Тўғри, Голландия футболчиларининг маҳоратлари, улар эришган ютуқлар қолганларидан кўра зиёдроқ экани ҳаммага аён. Голландия футболчиларининг устози Дик Адвокатнинг фикрини қаранг: «Биз 12 йил деганда пенальтилар сериясини амалга ошириш бўйича ғалаба қозондик. Чорак финалда шведлар билан учрашувда шогирдларим нисбатан чаққонроқ ҳаракат қилишди».

Мезбонлар — Португалия терма жамоаси ҳақида қанча илиқ гаплар айтсак, шунча оздай кўринади. Маълумки, бу жамоага бразилиялик мураббий Луис Фелиппе Сколари бошчилик қилмоқда. «Мен бразилияликман. Зеро, юрагим португаллар билан бирга. Ўйлайманки, Португалия жамоасига бутун Бразилия мухлислик қилмоқда».

Португалия жамоаси футбол тарихида илк бор ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этадими ёки чехлар? Ярим финал иштирокчиси Греция футболчилари ҳам бўш келадиган жамоалардан эмаслиги кўриниб турибди. Греция жамоаси бош мураббийи Отто Рехагел: «Ҳеч қачон тактик схемани ошкор қилмаганман», деса унинг садоқатли шогирдларидан Геодорис Загоракис: «Францияни ютиб, бутун Грецияга қувонч улашдик. Устозимиз танлаган тактика қўл келди», деган фикрни таъкидламоқда.

Маълумки, Чехиянинг моҳир футболчиларидан бири Павел Недведнинг ўйинлари мухлисларга маъқул бўлаётган эди. Афсуски, бу футболчининг чорак финал учрашувида даниялиқларга қарши ҳаракат чоғида йўл қўйган хатоси қимматга тушадиган кўринади. УЕФА Недведга кўрсатилган сариқ карточкани йўққа чиқармоқчи эмас. Европа футбол уюшмаси жазони бекор қилиш ҳақидаги илтимосни рад этди. Ҳар қалай, ярим финал учрашувида бу футболчи майдонга тушади. Лекин кутилмаганда қўполликка йўл қўйса, чиқариб юборилади.

Нима бўлганда ҳам миллионлаб мухлисларнинг нигоҳи шу кунларда Португалияга қаратилган. Бу ерда бошланган ҳал қилувчи учрашувлар қизғин ва муросасиз ўтмоқда. Чемпионатнинг якунловчи қисми эса ишқибозларнинг севимли Испания, Франция, Англия, Италия, Германия каби жамоаларсиз ўтмоқда. Начора, буни футбол дейдилар. Футболда ҳамиша тасодифлар, кутилмаган воқеалар бўлган ва бўлаверади.

**Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: **Matnazar ELMURODOV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Ikromjon ISMOILOV**, **Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*
**Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.**
***Hajmi 2 bosma taboq.***
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
**Г — 862**
**7307 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 24.00*
1 2 3 4 5 6
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**